

ISSN 2181-2357

XALQARO NAZARIY VA AMALIY TADQIQOTLAR  
JURNALI

# INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

JURNAL FARG'ONA POLITEXNIKA  
INSTITUTI HAMKORLIGIDA NASHR  
ETILADI

**VOLUME 2,**  
**Issue 1**  
**2022**





ISSN 2181-2357

«Al-Ferganus» MChJ Nashriyot markazi.  
A. M. Abdullayev  
«Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali»  
Ilmiy jurnal.  
2021 yil noyabrdan beri nashr etilmoqda.  
Oyiga bir marta nashr etiladi.  
16+

2-tom, 1-son.

Yanvar 2022 y.

**Tahririyat kengashi raisi Salomov O'ktam Raximovich, Rector of FerPI**

**Bosh muharrir K. I. Kurpayanidi**

*Tahririyat hay'ati: A.M.Abdullaev, M.S.Ashurov, E.A.Mo'minova, K.X.Abduraxmonov, A.N.Asaul, A.V.Burkov, U.V.G'ofurov, M.A.Ikromov, D.Kudbiev, E.S.Margianiti, B.Obrenovich, L.NA Sultonov, L.NA. , A.Xasanov, Sh.T.Karimov, Sh.Sh.Salixanova, U.K.Alimov, S.M.Turabdjano, B.A.Alimatov, R.J.Tozhiyev, A.A.Risqulov, B.M.Tursunov, A.A.Shermukhamedovsh, Y.S.A. H.A.Akramov, M.X.Hakimov, Sh.M.Iskandarova, Z.M.Sobirova, A.M.Muxtorova, L.M.Babaxo'jaeva.*

*Tahririyat manzili:* 150107  
Farg'ona shahri, Farg'ona ko'chasi, 86 -  
uy  
Tel. +998971003888  
<https://alferganus.uz/en/site/index>  
E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **8.7 / 2021**



TOGETHER WE REACH THE GOAL

**SJIF 2021: 5,5**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida ro'yxatga olingan.  
Ro'yxatga olish № 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 2021 yil 23 mart.

Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali Crossref, OpenAIRE, Google Scholar bazalariga kiritilgan.

*Impact-faktor 2021 Evaluation Pending*



CC litsenziyasi turi: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

Jurnal jahon va mintaqaviy darajada fan va amaliyotning rivojlanish masalalariga bag'ishlangan.  
Jurnal olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, talabalar uchun mo'ljallangan.

Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali.  
2022. T. 2. №1. <https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

© «Al-Ferganus» nashriyot markazi,  
2022 Farg'ona, O'zbekiston



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



Publishing Center «Al-Ferganus» LLC.  
A. M. Abdullaev  
“International journal of theoretical and practical research”  
Scientific Journal.  
Published since November 2021.  
Schedule: monthly. 16+

Volume 2, Issue 1

January, 2022.

**Chairman of the Editorial Board Salomov Uktam Rakhimovich, FarPI rektori**

**Editor-in-chief K. I. Kurpayanidi**

**Editorial Board:** A. M. Abdullaev, M. S. Ashurov, E. A. Muminova, K. Kh. Abdurakhmanov, A. N. Asaul, A. V. Burkov, U. V. Gafurov, M. A. Ikramov, D. Kudbiev, E. S. Margianiti, B. Obrenovich, L. Ivars, K. E. Onarkulov, N. A. Sultanov, A. Khasanov, Sh. T. Karimov, Sh. Sh. Khamdamova, D. S. Salikhanova, U.K. Alimov, S.M. Turabdzhanov, B.A. Alimatov, R.Zh. Tozhiev, A.A. Riskulov, B.M. Tursunov, A.A. Shermukhamedov, S. F. Ergashev, Y.S. Abbasov, Kh.A. Akramov, M.Kh. Khakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Mukhtarova, L.M. Babakhodzhaeva.

*Address of the editorial office:*

150107

Fergana city, Fergana str., 86.

Phone +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail:

[alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **8.7 / 2021**



**TOGETHER WE REACH THE GOAL  
SJIF 2021: 5,5**

Registered with the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.

Registration No. 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 dated March 23, 2021.

The journal "International Journal of Theoretical and Practical Research" is included Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

*Impact-factor 2021 Evaluation Pending*



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

The Journal addresses issues of global and regional Science and Practice. For scientists, teachers, doctoral students, students.

(2022). International journal of theoretical and practical research, 1(3).

<https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

© Publishing Center«Al-Ferganus»,  
2022, Fergana, Uzbekistan



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



Издательский центр «Al-Ferganus» ООО.

А. М. Абдуллаев

«Международный журнал теоретических и практических исследований»

Научный журнал.

Издается с ноября 2021г.

Выходит один раз в месяц.

16+

Том 2, Номер 1.

Январь 2022г.

**Председатель редакционного совета** Саломов Уктам Рахимович, **ректор ФерПИ**

**Главный редактор** К. И. Курпаяниди

**Редакционная коллегия:** А.М.Абдуллаев, М.С.Ашуров, Э.А.Муминова, К.Х.Абдурахманов, А.Н.Асаул, А.В.Бурков, У.В.Гафуров, М.А.Икрамов, Д.Кудбиев, Э.С.Маргианити, Б.Обренович, Л.Иварс, К.Э.Онаркулов, Н.А.Султанов, А.Хасанов, Ш.Т.Каримов, Ш.Ш.Хамдамова, Д.С.Салиханова, У.К.Алимов, С.М.Турабджанов, Б.А.Алиматов, Р.Ж.Тожиев, А.А.Рискулов, Б.М.Турсунов, А.А.Шермухамедов, С.Ф.Эргашев, Ё.С.Аббасов, Х.А.Акрамов, М.Х.Хакимов, Ш.М.Искандарова, З.М.Собинова, А.М.Мухтарова, Л.М.Бабаходжаева.

Адрес редакции: 150107

г. Фергана, ул. Ферганская, 86

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **8.7 / 2021**



TOGETHER WE REACH THE GOAL

**SJIF 2021: 5,5**

Зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан.

Регистрации № 4446-5760-5988-7507-е628-4252-5710 от 23 марта 2021 года.

Журнал «Международный журнал теоретических и практических исследований» включен в Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

*Импакт-факторы журнала: 2021 Evaluation Pending*



Тип лицензии CC поддерживаемый журналом: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

В журнале рассматриваются вопросы развития мировой и региональной науки и практики. Для ученых, преподавателей, докторантов, студентов.

Международный журнал теоретических и практических исследований. 2022. Т. 2. №1.

<https://alferganus.uz>

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

©Издательский центр «Al-Ferganus»,  
2022, Фергана, Узбекистан





## TABLE OF CONTENTS

### *Iqtisodiy fanlar / Economic Sciences/ Экономические науки*

1.	<b>Ahunova Marifat Khakimovna</b> <i>Women's entrepreneurship in an innovative economy: problems and solutions</i>	7
2.	<b>Ashurov Mahammadjon Sotvoldievich</b> <i>State and priority areas of development of innovative activities in Uzbekistan in modern conditions</i>	15
3.	<b>Ilyosov Asrorjon Akhrorjon ugli</b> <i>Export of industrial products: regional analysis, factors and export trends (on the example of the Fergana region)</i>	31
4.	<b>Kambarov Zhamoliddin Hikmatillaevich</b> <b>Yormatov Ilmidin Toshmatovich</b> <i>Using the capabilities of automated and monitoring systems to improve the quality of higher education</i>	41
5.	<b>Khodjaeva Nodira</b> <b>Jumanova Aijan</b> <i>Management and its components in tourism industry of Uzbekistan</i>	51
6.	<b>Kudbiev Davlatbay</b> <i>Methodological foundations of the lease of fixed assets and their accounting</i>	57
7.	<b>Kudbieva Gulzodahon</b> <i>The necessity and essence of environmental requirements in the organization of the road transport system</i>	63
8.	<b>Muminova Elnorakhon Abdukarimovna</b> <b>Solijonov Shoxruh</b> <i>Feasible future of applying block chain technology to digitalized national economy</i>	70
9.	<b>Nosirov Ilkhom Abbosovich</b> <i>Management accounting reforms in modern clusters</i>	77
10.	<b>Tursunova Dilrabo</b> <i>Modern debatable issues of accounting for depreciation and amortization of fixed assets</i>	89
11.	<b>Usmanova Dilfuzakhon Ibrokhimovna</b> <i>The use of artificial intelligence in the management of physical culture and sports</i>	97
12.	<b>Usmanova Zulfiya Musaevna</b> <i>On topical issues of using the kaizen technology in improving the personnel management mechanism in the light industry</i>	108
13.	<b>Shadieva Gulnora</b> <b>Rustamova Zarina</b> <i>The role of family entrepreneurship in improving the well-being of the family in the context of economic modernization</i>	117



**Filologiya fanlari / Philological sciences/ Филологические науки**

14. **Burkhanova Mashkhura** 124  
*Olfactor cognitive metafora*
15. **Khakimov Muhammad Khuzhakhonovich** 133  
*Some reviews about the paralinguistic mode*

**Texnik fanlar / Technical sciences / Технические науки**

16. **Akramov Khusnitdin Akhrarovich** 141  
**Davlyatov Shohrukh Muratovich**  
*Investigation of the stress-strain state of steel shells*

**Kimyoviy fanlar / Chemical Sciences / Химические науки**

17. **Marufjonov Akbarjon Bohodirjon Ugli** 148  
**Khamdamova Shohida Sherzodovna**  
*Modern analysis of production technology and application of fungicides and seed dressings*

**Physical and mathematical sciences / Fizika-matematika fanlari / Физико - математические науки**

18. **Hasanov Anvar** 159  
**Kozimova Odina**  
*Solutions to a system of hypergeometric type differential equations in partial derivatives of the third order and its integral representations*
19. **Makhmudova Nasibaxon Abdujabbarovna** 180  
*Some methods of improving the mathematical competence of students in the lessons of "Higher mathematics"*
20. **Mirzamakhmudova Nilufar Tadjibayevna** 186  
*Some methodological features of teaching the subject «Higher mathematics» in higher educational institutions*
21. **Sultanov Nomanzhan Akramovich** 193  
*Photoluminescence (pl) spectra of hardened and by the transition silicon*

**E'lon / Reklama / Advertisement**

- Advertisement* 204
- Our publications* 208



**Citation:**

Khakimov, M.K. (2022). Some reviews about the paralinguistic mode. *SJ International journal of theoretical and practical research*, 2 (1), 133-141.

Ҳақимов М.К. (2022). Паралингвистик модус хусусида баъзи мулоҳазалар. *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 2 (1), 133-141.

Doi: <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6091102>

Ҳақимов Муҳаммад Хўжахонович  
Филология фанлари доктори,  
профессор,  
Фарғона давлат университети

QR-Article



<https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6091102>

UDC 130.2

## ПАРАЛИНГВИСТИК МОДУС ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация:** Мақолада тилишуносликдаги модус ҳодисаси ҳақида фикр юритилади. Лингвистик модус ва паралингвистик модус хусусидаги назарий қарашлар билдирилади ва улар лисоний далиллар орқали таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Лингвистика, паралингвистика, экстралингвистика, диктум, модус, модаль сўзлар, модаллик, имплицит ифода, деталь, тана тили, модус дейксиси.

**Khakimov Muhammad Khuzhakhonovich**

*Doctor of Philology, Professor, Fergana State University*

### SOME REVIEWS ABOUT THE PARALINGUISTIC MODE

**Abstract:** The article is devoted to the phenomenon of mode in linguistics. Theoretical views on the linguistic mode and the paralinguistic mode are expressed, and they are analyzed with the help of linguistic proofs.

**Keywords:** linguistics, paralinguistics, extralinguistics, dictum, mode, modal words, modality, implicit expression, detail, body language, modal diction.

**Ҳақимов Муҳаммад Хўжахонович**

*Доктор филологических наук, профессор, Ферганский государственный университет*



## НЕКОТОРЫЕ ОТЗЫВЫ О ПАРАЛИНГВИСТИЧЕСКОМ МОДУСЕ

**Аннотация:** *Статья посвящена феномену модуса в лингвистике. Выражаются теоретические взгляды на лингвистический модус и паралингвистический модус, и они анализируются с помощью лингвистических доказательств.*

**Ключевые слова:** *лингвистика, паралингвистика, экстралингвистика, диктум, модус, модальные слова, модальность, имплицитное выражение, деталь, язык тела, модусная дикция.*

Анъанавий тилшуносликда модаллик категорияси гапнинг грамматик асосини ташкил қилувчи парадигмалардан бири деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам бу системага оид тушунчалар кесимлилик аффикслари қаторидаги майл категорияси бирликлари билан илмий асосланади. Шу билан бирга модаллик ифодаловчи воситалар таркибига модал сўзлар ва аффикслар киритилади. Модуснинг моҳияти эса имплицит мақомга эга бўлиб, тил ва тафаккур тушунчаларини ўзига қамраб олади. Тилшуносликда тил ва тафаккур масалалари энг муҳим йўналишлардан бири сифатида эътироф этилади. Инсон тафаккури борлиқдаги воқеа-ҳодисалар, нарса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар билан мукамаллашиб боради. Ҳар қандай воқеа-ҳодисалар ва борлиқ элементлари инсонлар тасавурида умумийлашади, бу эса маълум бир жамиятдаги умумий тафаккур сифатида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам объектив оламда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга жамиятдаги кишиларнинг тафаккури орқали умумий фикр билдирилади. Бундай умумийлик холислик, реаллик, тўғри ва нотўғрилиқ мезонлари билан баҳоланади. Албатта, реал баҳога асосланган бундай муносабат, аввало, тилда ва унга ёндош ҳамда турдош бўлган бошқа воситаларда ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси ҳам лисоний ва ҳам нолисоний воситаларда намоён бўлади. Бундай воситалар орқали ифодаланган муносабат диктум ва модус номлари билан юритилади. Тилнинг модал структурасига тааллуқли бўлган юқоридаги ҳодисаларни экстралингвистик воситалар орқали ифодаланиши каби масалалар соҳанинг янги йўналишини белгилайди. Бу борада, аввало, экстралингвистик ёки нолисоний воситалар тушунчаларини тилшуносликда ўрганилишига оид адабиётлар ва улардаги қарашлар ҳақида қисқа фикрларимизни баён қиламиз.

Экстралингвистика термини тилшуносликка оид назарий адабиётларда ташқи тилшунослик тушунчалари билан изоҳланади. Луғатларда экстралингвистика соҳаси “тилнинг ривож ва унинг фаолияти билан боғлиқ этник, ижтимоий, географик ва бошқа омилларни ўрганувчи тилшунослик бўлими”[1] сифатида таърифланади. Бугунги кунда бу термин адабиётшунослик ва тилшунослик фанларига оид бўлиб, икки хил маъно касб этади: терминнинг биринчи маъноси деталь ёки бадий деталь тушунчалари билан боғланади. Бадий деталь адабиётшуносликда ташқи олам, персонаж характери ва воқеа-ҳодисаларнинг тасвирлаш ва очиқ беришга хизмат қилувчи бадий



усул ҳисобланади. Демак, “бадий деталь асарда мазмуний ва ғоявий-эмоционал бўёқ вазифасини бажаради. Буларга пейзаж, портрет, интерьер, алоҳида буюм ва нарсалар, хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар ҳамда психологик ҳаракатлар киради”[2]. Бадий деталлар аксарият ҳолларда ҳикоя жанридаги асарларда қўлланилади. Деталлардан маҳорат билан фойдаланиш орқали ҳикоянавис ёзувчи нафақат “сўзларни тежайди ..., балки ижодкорнинг топқирлиги туфайли қўлланган деталлар тилга кирганда ҳикояни гапиртириб юборади. Китобхон эътибор бермай ўтишим мумкин бўлган бундай деталлар ё йўл-йўлакай шунчаки эслаб қўйилади (аммо изсиз кетмайди) ёки баён қилинаётган воқеликка сингдириб юборилади”[3]. Ана шундай маҳоратли ижодкор ёзувчилардан бири Шукур Холмирзаев бўлиб, унинг асарларида энг кўп қўлланиладиган деталлар, бу табиат унсурлари ҳисобланади. Проф. Й.Солижонов ўзининг “Деталлар тилга кирганда” илмий мақоласида таъкидлаганидек, Шукур Холмирзаевнинг асарларида ҳатто “ёмғир, шамол ва ой қаҳрамонларнинг ҳолати, ўзаро муносабати, руҳиятига қараб ўз шиддати ҳамда шакли шамойилини ўзгартиради”[4]. Шунингдек, “деталь нолисоний восита ҳисобланиб, ёзувчининг коммуникатив мақсадини ифодалайди”[5]. Бу эса деталь тушунчасининг иккинчи маъносини юзага чиқаради. Бу маънода бадий деталь “...адабиётшунослик фанига оид термин ҳисобланса-да, матннинг семантик структурасидан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг ва асар қаҳрамонларининг билимларига ишора қилади ҳамда прагматик ахборотни ифодалайди”[6]. Бадий матннинг ҳамда унинг элементларининг прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этиш тилшунослик соҳасининг вазифаларидан бири саналади. Хусусан, проф. М.Ҳакимовнинг илмий мақоаларида С.Аҳмаднинг “Қорқўз мажнун” ҳикоясида қўлланилган деталлар, яъни экстралингвистик воситаларнинг прагматик таҳлили кўзга ташланади. Мақолада эътироф этилганидек, “Саодат аянинг Аллоҳга бўлган эътиқодини жойнамоз, хожибадал, Бўрихонни бошқа динга бўлган эътиқодини сариқ баҳмалга ўралган Инжил, кўкседаги хож”[7] ошкор қилиши шулар сирасидандир. Шундай қилиб, бадий асар ўзида муаллифнинг ташқи олам билан боғлиқ концепциясини ва эстетик қадриятларни мужассамлаган матн сифатида шаклланади. Муаллиф уларни тасвирлашда ва қаҳрамонлар образини гавдалантиришда деталлардан моҳирона фойдаланади. Ўз ўрнида деталлар бадий ҳамда экстралингвистик восита сифатида изланувчилар томонидан таҳлилга тортилади. Демак, деталь бадий усул сифатида адабиётшуносликда, экстралингвистик восита сифатида тилшуносликда ўрганилади. Бадий асар қаҳрамонлари характерини очишда ёзувчилар уч хил ифода шаклидан фойдаланадилар. Буларнинг биринчиси вербал воситалар, иккинчиси новербал воситалар, учинчиси эса экстралингвистик воситалар сирасига кирувчи деталлардир. Ёзувчи ўз асарларида қаҳрамонларининг характерини сўз, қаҳрамонлар нутқи ёрдамида очиб беради. Асар сюжети ва мазмуни ранг-баранглигини таъминлашда ва қаҳрамонларнинг ўзига хос жиҳатларини тасвирлашда ёзувчилар бошқа воситалардан ҳам унумли фойдаланадилар. Бундай воситалар сирасига деталь ва новербал воситалар ҳам тааллуқли бўлади. Булар ҳам вербал воситалар сингари ахборот ифодалайди, сўзловчининг муносабатини баён қилади, қаҳрамонлар руҳияти ва характерини кўрсатиш учун хизмат қилади.



Шунинг учун ҳам бадий адабиётда ҳамда кундалик мулоқотда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодаловчи бундай экстралингвистик воситалар сўзлашувчиларнинг экспрессив эмоционал ҳолатлари ва ўзлари атрофида юз бераётган воқеаларга нисбатан ифодаланувчи баҳо кўринишлари сифатида намоён бўлади.

Экстралингвистика терминининг иккинчи маъносини тилга ёндош қўлланадиган паралингвистик воситалар ташкил қилади. Одатда, тилни ташкил этувчи лисоний воситалар инсонга ўз фикри, ўй-хаёллари, ички кечинмалари, эмоцияларини ифодалаш учун етарли деб ҳисобланади. Америкалик психолог Альберт Мерабиан ўз экспериментал тадқиқотларида “кишилар мулоқот жараёнида ахборотнинг 93 фоизини тана ҳаракати ва овоз орқали қабул қилишларини эътироф этади. Бундан 55 фоизи тана ҳаракати, 33 фоизи эса овозга тўғри келади, ахборотнинг қолган 7 фоизини вербал воситалар ташкил этади. Шунингдек, кишилар мулоқот пайти ўз ҳис-туйғуларини ифодалаганларида мимика ва овоз иштироки туфайли суҳбатдошларининг ишончини қозонишларини ва вербал воситалар бу борада энг охириги ўринни эгалашини” [8] психолог алоҳида таъкидлайди. Шундай қилиб, алоқа-аралашув жараёнида инсон интуитив тарзда вербал воситалар билан бирга, муайян информация узатувчи нолисоний воситалардан ҳам фойдаланади. Бундай нолисоний воситаларга мимика, жестлар ёки бошқа гавда ҳаракатлари киради.

Шунингдек, нутқни ташкил этувчи луғавий бирликлар мазмунига фонцион воситалар, мулоқот пайти ҳосил бўладиган йиғи, кулги, табассум, хўрсиниш, репликалар ўртасидаги тўхталишлар ҳам қўшимча ахборот улашади. Улар лисоний восита ҳисобланмаса-да, нутқни тўлдирганлиги ва нутқ субъектининг руҳий ҳолатини, унинг ҳис-туйғуларини ифодалаганлиги сабабли тилшуносликнинг экстралингвистика соҳаси томонидан тадқиқот объекти сифатида ўрганилади. Нолисоний воситаларнинг коммуникация пайтида амалга оширувчи вазифаларини ва уларнинг инсон фикрини ифодалашдаги ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш экстралингвистиканинг асосий вазифаларидан саналади. Шундай қилиб, “инсон томонидан айтиш эҳтиёжи юзага келган” [9]ида вербал ҳамда новербал шакллар бирдек муҳим аҳамият касб этади. Новербал воситалар деганда паралингвистик воситалар тушунилади. “Паралингвистик воситалар экстралингвистика соҳасидан ажралиб чиққан бўлиб, шартли воситаларнинг ички системасини ташкил этади” [10]. Демак, “экстралингвистика сирасига мансуб паралингвистик воситалар ёрдамида нутқдаги вербал ифодалардаги бўшлиқлар тўлдирилади” [11].

Бугунги кунга қадар тилшуносликда паралингвистика кўплаб тадқиқотларнинг ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Паралингвистика тилшуносликда янги йўналиш сифатида XX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган. Паралингвистика атамаси юнон тилидан олинган бўлиб “пара” – ёндош, деган маънони англатади [12]. Лингвистика сўзи билан уйғунликда тилга ёндош воситаларни тадқиқ этувчи деган маъно келиб чиқади. Илмий адабиётларда паралингвистика терминининг “коммуникантларнинг мимика, имо-ишора, визуал ҳамда пантомимик (тана ҳаракати сифатида) ҳаракатлари орқали ифодаланувчи





мулоқотнинг алоҳида шакли”[13] сифатида таърифланади. Демак, паралингвистика нутқий фаолият жараёнида тил системасини ташкил этувчи вербал воситаларга ҳамроҳ бўлган новербал воситаларнинг алоқа-аралашув пайтидаги функциясини ўрганади. Хусусан, М.Саидхонов паралингвистик воситалар функциясини белгилар экан, улар вербал нутқни “тўлдириб, изохлаш, маълум даражадаги ахборотларни узатиш, фикр ифодалаш”[14]га хизмат қилишини айтади. Бундай новербал воситалар таркибини изланувчилар турлича талқин этадилар. А.Нурмонов, М.Саидхонов ва Г.В.Колшанский каби тилшунослар томонидан паралингвистик воситалар таркибига фонцион воситалар, мимика, жест ва бошқа гавда ҳаракатлари кириши таъкидланади. Айрим илмий адабиёт[15]ларда паралингвистик воситалар турига визуал ҳаракат (нигоҳ) ҳам киритилса, бошқаларида бундай новербал воситалар қатори интонация ва овоз модуляцияси[16] билан тўлдирилади. Бу эса инглиз тилшуноси Петер Маттеуснинг паралингвистиканинг тадқиқот майдони юзасидан билдирган фикрини яна бир бор тасдиқлайди. “Паралингвистика чегаралари тасаввур қилиб бўлмас даражада ноаниқ”[17]дир, дейди у. Шундай қилиб, паралингвистика тилшуносликнинг янги шаклланган соҳаларидан бири бўлиб, унинг умумназарий асослари ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шу сабабли паралингвистик воситалар таркиби борасида изланувчилар ўртасида баҳс ҳамон давом этмоқда.

“Нутқ олди”[18] воситаларининг алоқа-аралашув жараёнида тутган ўрни ҳамда уларнинг кишиларга таъсир кўрсатиш ва инсоннинг руҳий ҳолатини акс эттириш усуллари бугунги кун тадқиқотчиларининг эътиборини жалб қилмоқда. Бу паралингвистик воситаларнинг амалий хусусиятларини белгилаб беради. Паралингвистик воситаларнинг моҳияти, уларнинг мулоқот жараёнидаги аҳамияти ва функциялари ҳақидаги умумназарий маълумотлар Г.В.Колшанский, А.Нурмонов, М.Саидхонов, М.И.Логачёва ва Т.Г.Синяева, А.Т.Оналбаева, Е.Г.Иванова, Е.А.Гришина, Б.Р.Ахмедов каби кўплаб миллий ва хориж тилшунослари томонидан муайян даражада ўрганилган[19].

Шунингдек, илмий адабиётларда нутқий мулоқот жараёнида новербал воситалардан фойдаланиш ҳолатларининг қиёсий таҳлил қилиниши ҳам кўзга ташланади[20]. Хусусан, рус тилшуноси И.В.Максимова ўзининг “Взаимокорреляция лингвистических и паралингвистических компонентов научного текста[21]” номли диссертация ишида товаршунослик соҳасига оид илмий матнда лингвистик ва паралингвистик воситаларнинг қўлланилиш ҳолатларини рус ва инглиз тиллари мисолларида қиёсий таҳлил қилади. Муаллиф илмий мулоқот жараёнида лингвистик бирликлар билан бирга паралингвистик воситаларнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлар экан, паралингвистик воситалар реципиентга ахборотни муқобил ҳолда тушунишига ёрдам бериши билан бирга, унинг диққатини ахборотга қаратишига ҳамда унда ахборотга нисбатан ижобий психологик таъсир шаклланишига хизмат қилишини айтади [22]. Бундай ижобий психологик таъсирни ифодалашга хизмат қиладиган новербал воситаларда ифодаланган муносабатни модус деб аташ мумкин. Илмий матнда қўлланиладиган бундай паралингвистик воситаларга муаллиф сарлавҳалар, матннинг усутунларга бўлиниши, сўз, сўз бирикмалар ва жумлаларнинг ажратиб кўрсатилиши, курсив





ёзув ёки ёзувни чизик билан белгилаш каби ҳолатларни ҳам киритади. Бизнинг назаримизда, матн таркибини шрифтлар асосида ажратиш, қорайтириш, курсивга олиш ва бошқалар график тасвирга оид бўлади, бадиий адабиётда кўшимча вазифа бажарувчи бундай воситалар поэтик графика деб номланади, албатта, буларда ҳам маълум бир маъно ва ахборотга ишора қилувчи модус дейксиси кўзга ташланади. Шунингдек, паралингвистик воситалар илмий матн билан бир қаторда бадиий матн, таржимашунослик[23] ва риторика [24] фанлари кесимида ҳам ўрганилганлиги кузатилади[25]. Илмий тадқиқот ишлари ичида новербал воситалардан кундалик ҳаётда мақсадли фойдаланиш бўйича тавсиялар китоби ҳам алоҳида ўрин эгаллаганлигини кўриш мумкин[26].

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб паралингвистик воситалар гендерологик нуқтаи назардан тадқиқ этила бошланди. Хусусан, немис тилшуноси Софий Загмайстер[27] сиёсатчи аёл ва эркаклар нутқида новербал воситаларнинг қўлланилиши, уларнинг фарқлий жиҳатлари ва уларда гендер хусусиятларнинг акс этиши каби масалаларни ўрганди. Шунингдек, новербал воситалардан педагогик жараёнда фойдаланиш, чет тили ўрганувчиларга новербал воситалар мазмунини ўргатиш каби масалалар немис тилшунослари Б.Синовац, П.Богман[28] ва рус тилшуноси Г.А.Михеева[29]лар илмий ишларида кўзга ташланади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган илмий ишларнинг аксариятида паралингвистика ҳақидаги умумназарий маълумотлар, паралингвистик воситалар ва уларнинг турлари, паралингвистик воситаларнинг педагогика, психология, таржимашунослик, лингвокультурология, риторика, матн лингвистикаси каби фанлар билан боғлиқлиги ҳақида сўз боради. Юқоридаги ишларда паралингвистик воситалар функционал-семантик таҳлил қилинганига қарамадан, уларда ушбу нутқ воситаларининг модус ифодалаш хусусиятлари ҳақида қарашлар мавжуд эмас. “Нутқий фаолиятга ёндош бўлган ва уни тўлдирувчи паралингвистик воситалардан сўзловчи “беихтиёр” фойдаланади. Шу сабабли мимика, тана ҳаракати ва жестларни бошқариш ва улар ёрдамида “алдаш” мушкул”[30] дейди немис тилшуноси Б.Синовац. Олимнинг фикрига таянган ҳолда айтиш мумкинки, паралингвистик воситалар сўзловчининг коммуникатив позициясини ва унинг модусини ифодалайди. Буни барча услубга хос нутқ кўринишларида учратиш мумкин.

Сўзлашувчилар ўзаро мулоқотга киришар эканлар, америкалик психолог Альберт Мерабиан таъкидлаганидек, фикрнинг таъсир этиш ҳамда эса қолиш даражасининг катта қисми новербал воситалар орқали юзага чиқади. Уларда ҳам борлиқ ва унинг элементларига муносабатни ифодаловчи тасдиқ, инкор, эътироз турли ижобий ва салбий баҳолар ифодаланади ва улар тилда паралингвистик модусни ташкил қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Электронный ресурс:

<https://dictionary.ru/определениеслова/экстралингвистика.html> (Дата обращения: 05.11.2020, 09: 57)

2. Электронный ресурс:



- [https://classlit.ru/publ/teoria\\_literatury\\_i\\_dr/teoria\\_literatury/khudozhestvennaja\\_detal\\_v\\_literature\\_ponjatie\\_i\\_primery/87-1-0-517](https://classlit.ru/publ/teoria_literatury_i_dr/teoria_literatury/khudozhestvennaja_detal_v_literature_ponjatie_i_primery/87-1-0-517) (Дата обращения: 06.11.2020)
3. Солижонов Й. Деталлар тилга кирганда // Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 83 –бет.
  4. Солижонов Й. Деталлар тилга кирганда // Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 83 –бет.
  5. Ҳакимов М. Прагматика экстралингвистических средств в узбекском языке (на примере анализа рассказа Саид Ахмада “Коракуз мажнун”). // Взаимодействие языков в полиэтническом государстве как фактор национальной безопасности. - Бишкек, 2015. – С. 89.
  6. Ўша асар. – С. 89.
  7. Ҳакимов М. К прагматике экстралингвистических средств в узбекском языке (на примере рассказа Саида Ахмада “Коракуз мажнун”). // Российская тюркология 1 (12), Москва, 2015. – С. 9-12.
  8. Electronic resource: <https://www.bl.uk/people/albert-mehrabian#> Albert Mehrabian. Nonverbal Communication Thinker.
  9. Ҳакимов М. ва бошқ. Тил назарияси ва амалиёти: Тил назарияси фанидан амалий машғулотлар учун ўқув услубий кўлланма./М.Ҳакимов, М.Зокиров, С.Зокирова, М.Ғозиева; Масъул муҳаррир А.Нурмонов. – ФарДУ нусха кўпайтириш бўлими, 2016 — 5–бет.
  10. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. – С. 46.
  11. Ўша асар. – С. 32.
  12. Ўша асар. – С. 6.
  13. Иванова Ю.В. Паралингвистические элементы художественного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. — Москва, 2009 – С. 5.
  14. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. Илмий-оммабоп рисола.–Фан, 2008.- 5–бет.
  15. Mein Körper kann sprechen: Nonverbale Kommunikation. Österreichisches Sprachen-Kompetenz-Zentrum, Graz 2006. S. 41
  16. Was ist Paralinguistik? (Parasprache) Elektronische Quelle: <https://www.greelane.com/geisteswissenschaften/englisch/paralinguistics-paralanguage-term-1691568/> (Anwendungsdatum: 04.11.2020)
  17. Matthews, Peter. “Concise Oxford Dictionary of Linguistics.” Oxford University Press, 2007, Oxford. P.126
  18. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. –6 с.
  19. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974. – 84 с.;
  - Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. — Андижон 1980. – 25 б.;
  - Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. Илмий-оммабоп рисола.–Т.: Фан, 2008. – 86 б.;




- Логачёва М. И., Синяева Т. Г. Паралингвистические средства в условиях устной коммуникации. Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2012. № 2 (9): в 3-х ч. Ч. III. С. 119-120.;
- Оналбаева А.Т. Отражение невербальных средств общения в устной и письменной речи// Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 2.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=12889> (дата обращения: 10.10.2020);
- Иванова Е.Г. Невербальные компоненты в функции сопровождения вербальной части сообщения (на материале произведения Р. Кука “Abduction”). Вестник МГОУ. Серия: Лингвистика. 2015/№ 4. 248-253 с.;
- Гришина Е.А. Русская жестикация с лингвистической точки зрения (корпусные исследования). М: Языки славянской культуры, 2017. 744 с.; Ахмедов Б.Р. Нуткий мулоқотда паралингвистик воситаларнинг ўрни. // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. No. 5/2019. [www.journal.fledu.uz](http://www.journal.fledu.uz);
20. Крылов А.А. Паралингвистические средства коммуникации арабофонов и носителей русского языка. Коммуникативные ресурсы языка и речи. Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2014, № 4. С.5-14.;
21. Максимова И.В. Взаимокорреляция лингвистических и паралингвистических компонентов научного текста: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. — Краснодар, 2007 – 25 с.
22. Максимова И.В. Взаимокорреляция лингвистических и паралингвистических компонентов научного текста. Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. Краснодар, 2007 – С. 17.
23. Гетьманенко Н.И. Невербальные средства общения: трудности перевода в иной культурной среде. // Гуманитарный вектор. 2013. № 2 (34). 125-131 с.
24. Pedrotii G. Diktatur der Rhetorik oder Rhetorik der Diktatur. Verlag für wissenschaftliche Literatur, — Berlin, 2017. S. 580.
25. Иванова Ю.В. Паралингвистические элементы художественного текста (на материале французской прозы XX-XXI веков). Автореф. дис.... канд.филол.наук. - Москва, 2009. – 19 с.
26. de Bark, Yvonne. Körpersprache einfach nutzen.; Matsching, Monika. Körpersprache – der kritische Erfolgsfaktor im Beruf. Psychologie in Österreich 5/2016. S. 339-343.
27. Sagmeister, S. Geschlecht, Körpersprache und Politik – Medienberatung und Politikerinnen. Unterschiede im Bereich der nonverbalen Kommunikation mit Fokus auf Politikerinnen am Beispiel von Medien ...S.11 <https://www.researchgate.net/publication/268497980> 04.11.2020, 12.10
28. Boogman P. Nonverbale Kommunikation: besser verstehen. Wien 2014. S. 30.
29. Михеева Г.А. Невербальные средства общения субъектов образовательного процесса вуза. Электронный ресурс: [https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/29\(65\)/mikheeva\\_29\\_65\\_427\\_435.pdf](https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/29(65)/mikheeva_29_65_427_435.pdf) (Дата обращения: 10.10.2020, 18.14)
30. Sinowatz B., Wallner I., Kerschbaumer M. Mein Körper kann sprechen: Nonverbale Kommunikation. Österreichisches Sprachen-Kompetenz-Zentrum, Graz 2011. S. 45





*E'lon / Reklama / Advertisement*

ЭЪЛОН



**Хурматли ҳамкасабалар “Al-Ferganus” нашриёти ва “Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” электрон журнали Ўзбекистон таълим хизматлари бозорида ўзининг фаолиятини бошлаганлигини маълум қиламиз.**

Ажойиб имкониятдан сиз биринчилар қаторида фойдаланиб илмий нашрларингизни чоп этишингиз мумкин.

“Al-Ferganus” нашриётимиз томонидан Сиз тақдим этган дарслик, ўқув қўлланма, монография ва илмий рисоаларга ISBN, Doi халқаро рақамли идентификаторларни бириктириш, уларнинг электрон замонавий андозадаги муқовалар ва ишланмаларнинг электрон макетини яратиш, нашриётда эълон қилинган ишларни электрон ахборот нашрларида жойлаштириш хизматлари кўрсатилади.

Бизнинг нашриётимизнинг бошқа нашриётлардан фарқи шундаки, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатамиз ҳамда энг асосийси биз Сизнинг ишларингизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Россия Миллий кутубхонаси фондларига бепул жойлашга шунингдек, Россия илмий иқтибослик индекси (РИНЦ ва E - library) платформасига, CrossRef базаларига шартнома асосида жойлаштиришга кўмаклашамиз.

“Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” ISSN 2181-2357 электрон журнали ҳам ўз фаолиятини бошламоқда. Бизнинг журналда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг куйидаги ихтисосликлари физика-математика, кимё, биология, геология-минералогия, техника, қишлоқ хўжалиги,





тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, география, юридик, педагогика, тиббиёт санъатшунослик, архитектура, психология, социология фанлари бўйича миллий ва хорижий муаллифларнинг фанлардан эришган ютуқлари ва истиқболлари борасидаги илмий мақолалари, илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг илмий изланишлари натижалари эълон қилинади. Электрон журнал ҳар ойда бир марта эълон қилинади.

Журналларда эълон қилинадиган ҳар бир мақолага шартнома асосида DOI (Crossref) рақами берилади.

Шунингдек, таҳририят томонидан:

- мақолаларни сифатли таржима қилиш;
- мақолаларни таҳрирлаш ва журналлар талабига мослаш;
- мақолаларга ишлов бериш;
- мақолаларни плагиатга текшириш;
- хориждаги нуфузли (Scopus, Web of sciences ва юқори импакт факторли) журналларда мақолаларни сифатли ва ишончли чоп этишга кўмаклашиш хизматларини ҳам кўрсатади.

**Имкониятни бой бериб қўйманг!**

**Қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:**

Электрон почта манзили: [Alferganus.ltd@gmail.com](mailto:Alferganus.ltd@gmail.com)

Телеграмм манзилимиз : @Alferganus\_ltd

Телефонлар: (97) 100-38-88

(91) 109-05-38


(97) 337-86-00







**ВНИМАНИЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ!**



Уважаемые коллеги! Сообщаем вам, что издательский дом «AL-FARGANUS» и «Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali»- «Международный журнал теоретических и прикладных исследований» начали свою деятельность на рынке образовательных услуг Узбекистана.

Это прекрасная возможность одним из первых опубликовать свои научные публикации. Наше издательство «AL-FARGANUS» предоставляет услуги по прикреплению международных цифровых идентификаторов ISBN, Doi к учебникам, учебным пособиям, монографиям и научным брошюрам, созданию электронных макетов их обложек и дизайнов в современной электронной форме, размещению опубликованных работ в электронные публикации.

Отличие нашего издательства от других издательств в том, что мы предоставляем быстрые и качественные услуги, а главное, бесплатно размещаем ваши работы в Национальной библиотеке Узбекистана им. Алишера Навои и оказываем помощь в размещении вашей работы в Российской национальной библиотеке, а также на платформе Российского индекса научного цитирования (РИНЦ, e-library) облегчить размещение.

Совместно с Ферганским политехническим институтом запущен проект электронного научного журнала «Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali - International Journal of Theoretical and Practical Research. Международный журнал теоретических и прикладных исследований».

Миссия научного электронного журнала направлена на развитие национальной и зарубежной науки, обеспечение общедоступности теоретических позиций и практических результатов прикладных исследований. В журнале





представлены следующие специальности Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан по физике и математике, химии, биологии, геологии и минералогии, технике, сельскому хозяйству, истории, экономике, философии, филологии, географии, праву, педагогике, медицине, архитектуре, психология, социология. Журнал публикует научные статьи отечественных и зарубежных авторов о достижениях и перспективах науки, результатах научных исследований ученых, проводящих исследования. Электронный журнал издается один раз в месяц.

Каждой статье, опубликованной в журнале, на контрактной основе присваивается номер DOI (Crossref).

Также издательство оказывает услуги по:

- качественный перевод статей;
- редактирование статей и адаптация к требованиям журнала;
- обработка статей;
- проверка научных работ (статей, учебных пособи, монографий, диссертаций и др.) на плагиат статей;
- оказывает информационное обеспечение публикаций статей в престижных зарубежных журналах (Scopus, Web of Sciences и журналах с высоким импакт-фактором).

**Не упускайте возможность!**

**Пожалуйста, свяжитесь с нами:**

Электронный адрес: [Alferganus.ltd@gmail.com](mailto:Alferganus.ltd@gmail.com)

Наш адрес в телеграмм: @Alferganus\_ltd

Телефоны: (97) 100-38-88

(91) 109-05-38

(97) 337-86-00





Our publications

Bizning nashrlarimiz

Наши издания



A.M. Abdullaev, K.I. Kurpayanidi, A.Sh. Khudaykulov

INSTITUTIONAL TRANSFORMATION OF THE ENTREPRENEURIAL SECTOR

Monograph



Fergana - AL - FERGANUS - 2021

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5457089>

Abdullaev A.M., Kurpayanidi K. I., Khudaykulov A. S. Institutional transformation of the business sector. Monograph.

Fergana "AL-FERGANUS", 2021. - 180 p.



M.S. Ashurov, K.I. Kurpayanidi

RAQOBATBARDOSH MILLIY INNOVATSIYA TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

Monografiya



Farg'ona - AL - FERGANUS - 2021

Ashurov, M.S., Kurpayanidi, K.I. Problems and solutions for the formation of a competitive national innovation system.

Monograph. Edited by Doctor of Economics, Professor Ikramov M.A., Fergana: Al-Ferganus, 2021.- 102 p.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5676027>





ASHUROV M.S., SHAKIROVA Yu. S.

EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNI HAL  
QILISHDA EKOLOGIK MENEJMENTNING  
STRATEGIK YO'NALISHLARI

Monografiya



Farg'ona - AL - FERGANUS - 2021

Ashurov M.S.,  
Shakirova Yu.S.  
Environmental  
problems and  
strategic directions  
of environmental  
management in  
their solution.  
Monograph. Edited  
by Doctor of  
Economics,  
Professor Ikramov  
M.A., Fergana: Al-  
Ferganus, 2021.-  
160 p.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5722678>



Н.Қ. Жўраева

Уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини  
бошқариш механизмларини такомиллаштириш  
Монография



Фарғона - AL - FERGANUS - 2021

Жўраева, Н.Қ.  
Уй-жой коммунал  
соҳаси  
фаолиятини  
бошқариш  
механизмларини  
такомиллаштириш  
. Монография. -  
Фарғона: Al-  
Ferganus, 2021.-  
140 б.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5335878>





А.Т. Мирзаев  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ  
ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ УСЛУБИЙ  
ЖИХАТЛАРИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА  
ИСТИҚБОЛЛАР

Монография



Фарғона - AL – FERGANUS - 2021

Mirzaev, A.T.  
Methodological  
aspects of tourism  
and recreational  
activity  
management in  
Uzbekistan:  
changes and  
prospects:  
Monograph  
/Mirzaev A.T.; ed  
G. Sh.  
Khankeldiyeva -  
Fergana: Al-  
Ferganus, 2021.-  
174 p.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5722700>



Э.А.Муминова

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА  
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ИННОВАЦИОН  
ПАРАДИГМАСИ: МЕТОДОЛОГИЯ, ТАЖРИБА  
ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Монография



Фарғона - AL – FERGANUS - 2021

Muminova, E.A.  
Innovative  
paradigm of  
corporate  
governance at  
textile enterprises:  
methodology,  
experience and  
development  
prospects:  
monograph  
/Muminova E.A.;  
ed. G. Sh.  
Khankeldiyeva -  
Fergana: Al-  
Ferganus, 2021.-  
160 p.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5676091>



**Н.М. Набиева**

**Хизмат кўрсатиш корхоналарини  
ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини  
ишлаб чиқиш**

**Монография**



Фарғона - AL – FERGANUS - 2021

**Набиева, Н.М.**  
Хизмат кўрсатиш  
корхоналарини  
ривожлантиришни  
нг маркетинг  
стратегиясини  
ишлаб чиқиш.  
Монография. -  
Фарғона: Al-  
Ferganus, 2021.-  
162 б.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5230368>



**О.С.Назарматов**

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА  
ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ  
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Монография**



Фарғона - AL – FERGANUS - 2021

**Nazarmatov, O.S.**  
Improving the  
methodology of  
management of  
innovative  
processes in the  
enterprises of the  
textile industry.  
Monograph. -  
Fergana: Al-  
Ferganus, 2021.-  
200 p.



DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5675967>



UBAYDULLAYEV M.M.

**G'O'ZADA DEFOLIATSIYA O'TKAZISHNING  
MAQBUL ME'YOR VA MUDDATLARI**

Monografiya



Farg'ona - AL - FERGANUS - 2021

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.5722721>

Ubaydullayev  
M.M. G'o'zada  
defoliatsiya  
o'tkazishning  
maqbul me'yor va  
muddatlari.

Monografiya.  
/q.x.f.d., professor  
E.J. Teshayev  
muharrirligi ostida.  
Farg'ona: Al-  
Ferganus, 2021. –  
160 b.

